

## АЛИШЕР НАВОЙ АСАРЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРГА ҚИЛИНГАН ТАРЖИМАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ

Каримова Наргиз Қудусовна

Самарқанд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими бошлиғи, Тиббиёт фанлари доктори, доцент

Мамаюсупов Тимур Алишерович

Самарқанд шаҳар “BEST STUDIY NTM”МЧЖ инглиз тили ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7432948>

**Аннотация.** *Ushbu maqolada Alisher Navoiy asarlarining horijjiy tillariga qilingan tarjimalari va ularning tarbijaviy ahamiyati turgisisida keng va batafsil mahlumot berilgan. Alisher Navoiy asarlari kutgina tillarغا tarjimsa qilihib, uning noeb isteъdod sohibi, maʼrifatparvar olim va davlat arbobib ekaniligi turli xalqlar tomonidan eʼtirof etilgan.*

**Калим сўзлар:** ноёб истеъдод соhibi, маʼrifatparvar olim, давлат арбоби, тижоратчи, саховатпеша, буюк ижод эгаси, буюк шахс эгаси, ижодкор, буюк шоир.

## ПЕРЕВОДЫ ПРОИЗВЕДЕНИЙ АЛИШЕРА НАВОИ НА ИНОСТРАННЫЕ ЯЗЫКИ И ИХ ВОСПИТАТЕЛЬНОЕ ЗНАЧЕНИЕ

**Аннотация.** В данной статье представлена обширная и подробная информация о переводах произведений Алишера Навои на иностранные языки и их воспитательном значении. Произведения Алишера Навои переведены на многие языки, а его уникальный талант просвещенного ученого и государственного деятеля признан разными народами.

**Ключевые слова:** уникальный талант, просвещенный ученый, государственный деятель, предприниматель, меценат, великий творец, великая личность, творец, великий поэт.

## TRANSLATIONS OF ALISHER NAVOI'S WORKS INTO FOREIGN LANGUAGES AND THEIR EDUCATIONAL VALUE

**Abstract.** This article provides extensive and detailed information about the translations of Alisher Navoi's works into foreign languages and their educational value. Alisher Navoi's works have been translated into many languages, and his unique talent, enlightened scientist and statesman have been recognized by different nations.

**Keywords:** a unique talent, an enlightened scientist, a statesman, a businessman, a philanthropist, a great creator, a great personality, a creator, a great poet.

Алишер Навоий шарқ Ренессансининг йирик намояндаси сифатида жаҳон цивилизацияси тарихида, айниқса, туркий тилли халқлар маданий ва маънавий ҳаётининг ривожида алоҳида ўрин тутадиган ёрқин шахсадир, — дейди Британия кутубхонасининг турк ва туркий тўпламлар бўлими раҳбари Майкл Жеймс Эрдам. -Биринчидан, у ўзининг гуманистик ғоялари, бадиий-фалсафий қарашлари, ўлмас шеърий асарлари билан инсоният тафаккури ривожига бекиёс хисса қўшган буюк шоир ва мутафаккирдир. Султон Ҳусайн Бойқаро ҳам ул зотни “мамлакат устуни, давлат таянчи” деб бежиз атамаган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида: “Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойdevorini барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимииз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш

тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тарақкӣ эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим”, дея бежиз таъкидламади. Зеро, бугунги кунда илм-фан ва инновацияларни тарақкӣ эттириш борасида ҳал этилиши зарур бўлган қўплаб муаммо ва вазифалар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тӯғрисида”ги қарори мумтоз адабиётимизга юксак меҳр қўйган тадқиқотчи ва ижодкорлар томонидан жуда катта кувончли воқеа сифатида қабул қилинди.

Алишер Навоий – ноёб истеъдод соҳиби, маърифатпарвар олим ва давлат арбоби. Заҳириддин Бобур таърифи билан айтганда «туркий тилда кўп ва хўб ёзган» шоир яратган асарларининг нафақат миқдори, балки маъно-мазмунининг чуқурлиги ва тарбиявий аҳамияти билан ҳам шарқ мумтоз адабиётида катта ўрин тутади.

Навоийнинг ўз замондоши, тарихчи Хондамир унга нисбатан гўзал хулқ эгаси дея сифат берган. Шунга монанд Хондамир асарини «Макорим ул ахлоқ» деб номлаган. Айнан унинг асарида Навоий шахсияти очиб берилган. Қолаверса, Навоий маҳоратли давлат арбоби – европаликлар уни биринчи навбатда давлат амалдори, ҳарбий шахс сифатида танишди. Кейин эса буюк ижоди борлигини ҳам билишди.

Биз орзу қилган бой, тижоратчи инсон ҳам, саховатпеша инсон ҳам, буюк ижод эгаси ҳам, буюк шахс эгаси ҳам Навоийдир. «Навоий музей экспонати эмас, у биз билан яшаши керак», деган эди россиялик олим Бертельс. Уни ўқиган миллат кам бўлмайди.

Навоий шахсияти билан танишган инсон, албатта, унга меҳр қўяди.

Сўнгги йилларда Навоий ижодининг таълим тизимида ўқитилиши муайян тарзда янги босқичга қўтарилиди деб айта оламан. Олий таълимда мутахассислик учун «Навоийшунослик» махсус фани киритилди. Бунгача «Ўзбек адабиёти тарихи» фани ичida ўқитилар эди.

«Навоий тили» деган тушунча бор. Унинг «Тарихи анбиё ва хукамо» ҳамда «Тарихи мулки ажам» номли тарихий асарлари ўқувчига кўпинча оғирлик қилмайди, яъни тили бирмунча соддароқ. Китоб орқасидаги луғатларга кам мурожаат килинади. Шунинг учун Навоийни ўқишига тутинмоқчи бўлган китобхон биринчи шу каби асарларидан, тили ва услуби соддароқ шеърларидан бошласа мақсадга мувофиқ бўлади.

Кейин эса сал мураккаб бўлган «Насойим ул-муҳаббат», «Хамса» ва «Хазойин ул-маоний» каби йирик асарларини ўқиса, Навоий оламига теранроқ шўнғиб боради. Кўпинча кузатиладиган ҳолат Навоийни ўқишим керак экан деб, мураккаб ғазалларини ўқииди ва ҳеч нарса тушунмагандай бўлади, чунки ўқувчи қийналади. Шунинг учун осондан қийинга қараб борса, Навоийни англаш енгиллашади. Ўзбеклар ҳаётида ижобий маънодаги ўзгариш содир қилишга қодир ижодкор – Навоийдир.

Аллоҳнинг олдида ўзингни қанчалик ҳақир олсанг, сен шунчалик юксакликка эришасан, дейди Навоий. Бу инсонни ўз нафсини танишга чорлайди. Шу кеча-кундузда ҳамма ўзининг ҳақлигини даъво қиласди, лекин ҳазрат бир он нафас ростла ва ўз ноҳақлигинг ҳақида ўйлаб кўр, балки, айбор бўлишинг мумкин, дейди. Ана шу нуқтадан бошлаб қўзимизга ҳақиқатлар очилади.

Назму наср мулкининг соҳибқирони Амир Алишер Навоийнинг умубашарий улкан, бебаҳо меросига бўлган қучли эҳтиёж хориж мамлакатларида ҳам пайдо бўлган.

Навоийнинг тенгиз асарлари турли ўлкаларнинг машхур ҳаттотлари томонидан тексиз иштиёқ билан кўчирилди. Ҳақиқатда буюк санъаткор ўзининг ўлмас асаралри билан ғарбу шарқ халқлари юрагини забт эта олган эди. Шу хусусда, Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти И.А.Каримов: «Алишер Навоий халқимизнинг онг ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллатимизнинг ғурури, шаъну-шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридик», дейдилар. Дарҳакиқат, буюк шоир ўзбек номини бутун дунёга таратиб, ўзининг бекиёс мероси билан туркий тилнинг ҳеч қандай бошқа тиллардан кам эмаслигини, аксинча бу тилдаги чексиз имконият ва хусусиятларини исботлаб, хориж элларни лол этди.

Навоий асарларига бўлган эҳтиёж ва қизиқиши ғарбда ва шарқда ҳаётлигидаёқ куртак ёйган эди.

Шарқ ўлкаларида буюк шоир асарлари шарқнинг турли тилларига таржималар амалга оширилди. Сойил (ий) тахаллусли шоир вазн, ритмни сақлаган ҳолда, буюк шоирнинг 250 ғазалини форс тилига таржима қилган. Ҳозирда бу асарнинг бир нусхаси Британия музейида Ог 3492 рақам остида сақланмоқда. Ушбу қўлёзма бўйича тадқиқотни амалга оширган инглиз олими С.Черчиллнинг маълумот берисича, қўлёзма тахминан, Ҳиндистонда 1227 йилда кўчирилган бўлиб, асарда аввал ўзбек тилида Навоий ғазали ёзилган кейин ортидан Сойил таржимаси берилган. Таржима қилинган ҳар бир ғазал мақтаъсида Навоий тахаллуси ўрнига таржимон тахаллуси қўйилган.

Алишер Навоийнинг "Мажлис ун-нафоис" тазкираси XV аср ижтимоий сиёсий, маданий ва адабий ҳаётини ҳар томонлама тадқиқ этишдабой ҳужжатларга эга бўлган манба ҳисобланади. Бу тазкира мумтоз адабиёт тарихи билан бирга, шарқ бадиий тафаккури тарихига доир қимматли маълумотлар манбаси сифатида танилди. Мана шуларнинг барчаси ҳисобга оиниб, бу тазкирани эл орасида ёйишга интилиш, айниқса форс-тожик тилида ижод этганлиги боис, бу асарни форс-тожик тилига таржима қилиш лозим эди. Натижада, буюк шоир вафотидан атига 20-22 йилдан сўнг бу ҳайрли иш амалга ошди. Ҳиротда 1521-1522 йиллар оралиғида шоир Султон Муҳаммад Фахрий Ҳиротий ва 1522-1523 йилларда Қазвина Муҳаммад Ҳакимшоҳ Қазваний бу буюк ишни улдаладилар. Бу воқеадан у қадар кўп вақт ўтмай, Шоҳ Али бин Абдул Али «Мажолис ун-нафоис» асарининг учинчи таржимасини ҳам илмий муомалага киритди. Навоийнинг мазкур тазкирасини яна Ҳиндистонда Абдулбоқий Шариф Разавий ҳоким Картанакнинг буйруғи билан амалга оширган. Бу асар ҳозирда Мадрас Ҳудудида сақланмоқда.

Фахрий Ҳиротий Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асарини форс-тожик тилига таржима қиласи экан, бундан асосий кўзланган мақсади, «бу бадиий сўз дарёсининг мавжи ва маънолар уммонидан баҳраманд бўлолмайдиганлар учун тилни билмаслик мушкулоти пардасини кўтариш, париваш зебонинг жамоли, мушки тотори ва лутфу назокатини биқиб намоён эйтш» эди. Фахрий Ҳиротий таржиманинг анчагина қисмида Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асаридаги келтирилган маълумотларни айнан сақлаб қолишга ва уни форс-тожик тилида ифодалаб беришга эришади. Масалан, Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарida келтирган: «Мавлоно Соғарий Соғар вилоятидиндиур. Ҳирот шуароси силкида эрди. Маоши ўткунча тамаввули бор эрди. Аммо имсоки ғолиб қилғонда, Вайсий ва Соғарий иккаласи мулозаматда борур изхори қилдилар. Аммо Вайси эшаги йўқ баҳонаси била ва Соғарий яна бир баҳона била ул

сафардин қолдилар ва Амир Сүхайлий бу қитъани алар учун айтти ва эл ичида басе шухрат туттиким:

Вайсию Соғари ба азми ҳарам,  
Гашта бузанд ҳар дувон сафари  
Лек аз он роҳ ҳар ду во монданд,  
Он як аз бе ҳарию инзи ҳари.

(Вайсий ва Соғарий ҳар икковлари Маккага сафар қилмоқчи бўлдилар. Бироқ убери эшаги йўқлигидан ва бу бири эшаклигидан ул йўлдан қолдилар)

Мавлонов Сигарий агарчи бад шеър эди, аммо бу матлаъи хуб тушубдурким:  
Чашми дурбори ману баҳор аст яке,  
Нолаи зори ману савти ҳазор аср яке.

(Менинг инжу тўқувчи кўз ёшим билан баҳор булути бирдай, менинг нолаи зорим билан булбул савти бирдай).

Ҳирийда фавт бўлди, қабри Ҳамоноки Хиёбон навоҳисидадур.

«Латоифнома»да: «Мавлоно Соғари – аз вилояти Соғар аст ва дар силки шуарои Ҳирот буд, бақадре чамъияти дашт. Аммо имсолақ ғолиб буд. Ва дар маҳале ки ҳазрати Махдуми Нуро азимати сафари Макка Намуд Вайси ва Соғари изҳори он карданд ки дар мулозимат бошанд. Аммо дар вақти рафтани Вайси баҳона барангехт ва ҳар ду аз давлати он сафар маҳрум бимонданд. Амир Шайххим Сүхайли ин қатъаро барои эшон гуфта, ки: қитъа: «Мавлоно Соғари агарчи бадшеър буд, аммо ин матлаъи ў нек афтода аст. Байт: ...Ин матлаъ низ аз уст ва низ разгин воқеъ шуда аст, ки матлаъ:

То шунидам китавон лаъли туро чон гуфтан,  
Оташч дар дилам афтод, ки натвон гуфтан.

(Эшиздимки, сенинг лаълингни жон дейдилар, дилимга оташ тушди, ле уни айтолмайман).

Дар Ҳири фавт шуд ва қабраш ҳамоно дар навоҳии Хиёбон аст.

«Мажолис ун-нафоис»нинг иккинчи таржимаси ва унинг таржимони ҳақида камроқ маълумот мавжуд. Алишер Навоийнинг мазкур тазкирасининг форс-тоҷик тилидаги таржималарини тадқиқ этиш соҳасида Техрон университети профессори Али Асгар Ҳикматнинг хизмати бекиёсdir. Унинг маълумот беришича, таржима ҳижрий 927-929 йилларда (мел. 1522-1523) Истанбул шаҳрида амалга оширилган. Таржимоннинг тўлиқ номи Муҳаммад бинни муборак шуғулланган ҳамда шу билан бир қаторда, бадиий ижод соҳасида анчагина тажриба ортирган.

Узоқ асрлар давомида бир-бири билан ҳар доим йўлдош ҳолда истиқомат қилган ўзбек ва тоҷик ҳалқларининг адабиётлари шу тарзда бири бошқасининг анъаналарини давом эттириб, дўстлик ришталарини мустаҳкамлаб келган. Бугунги кунда ўзбек ва тоҷик адабиётшунослари адабиёт тарихи масалаларини ўрганар эканлар, Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарига ҳам, унинг Фаҳрий Ҳиротий ва Муҳаммад Ҳакимшоҳ Қазвиний томонидан амалга оширилган таржималарига ҳам катта мундарижага эга бўлган асарлар сифатида ёндашадилар.

Буюк Навоийнинг нодир мероси Ўрта Осиёда, Афғонистон, Эрон, Туркий, Озарбайжон каби мамлакатларда зўр иштиёқ билан ўрганиб келинмоқда. «Қанча даврлар ўтмасин, Навоийнинг сиймоси Хурсон ва Ўрта Осиё маданияти тарихида яна ҳам яхшироқ кўринмоқда», деб ёзади таниқли афғон олими Равон Фарҳодий. Чиндан ҳам,

даврлар ўтиши билан Алишер Навоийнинг бекиёс асарларига бўлган чанқоқлик ҳалигача қонган эмас. Йилдан-йилга буюк шоир асарларининг таржималари сони ортиб, турли миллат вакиллари «Навоий» уммонига ғаввос мисоли шунғиб, ундаги дуру-инжуулардан чексиз завқланиб улардан баҳраманд бўлмоқдалар.

Алишер Навоий адабий мактабини Озорбайжонда туриб буюк адиб асарларидан илҳом олиб давом эттирган шоирлардан бири Неъматуллоҳ Кишварийдир. Кишварий ижодининг Озорбайжонда илк тадқиқотчиларидан бири академик Ҳамид Араслидан бошлаб барча муаллифлар унинг Навоий лирикасидан таъсирланганини кўрсатадилар. Навоий ижодига хурмат ва муҳаббат жиҳатидан вужудга келган бўлса, иккинчи томонидан ўша давр Озорбайжонда кенг ёйилган чиқатой тили хусусиятлари билан боғлиқдир.

Озорбайжонда Алишер Навоий асарлари билан унинг анъаналарини давом эттирган, ундан ўрганган шоир ва ёзувчилар, асарларини тадқиқ этаётган олимлар, айни вактда кенг ҳалқ оммаси, айниқса, зиёлилар ҳузур топиб рағбатланмоқдалар.

Венгрия шарқшунос А.Вамбери ўзининг Ўрта Осиё бўйлаб қилган саёҳатлари натижасида ёзган китобад Алишер Навоий ҳақида куйидагича фикр билдирган эди: «Энг улуг ўзбек шоири Навоийни ҳамма ерда билишади, Навоий жуда кам дунёга келадиган шеърият генийсидир. У жуда ҳам маҳсулдор шоир».

Россияда ҳам Навоий ва унинг қудратли меросини ўрганиш кенг ривожланди. Бу жараён асосан XIX асрнинг биринчи ярмида бошланди. Навоий ҳақида илк бор 1835 йил «Энциклопедик лексикон»нинг биринчи томида маълумот берилган. Туркийшунос Дорн Навоий асарларининг Петербургдаги нусхаларини ўз каталогида 1852 йилда шарҳлаган. Рус шарқшуноси Н.И.Ильминский «Муҳокамат ул-луғатайн» асарини чуқур ўрганиб, Навоийни ўз она тили учун курашган қудратли шахс сифатида кўрсатади.

Навоий ҳақидаги маҳсус монографик асарлар ҳам ўша даврда яратилади. Бундай мазмундаги илк асар М.Никитскийнинг «Амир Низомиддин Алишер, унинг давлат ва адабиёт соҳасидаги аҳамияти» номли магистрлик диссертациясидир. (1856) Яқин йилар ичida ҳам, ҳозирда ҳам Навоий меросини ўрганиш Россияда кенг анъанага айланган. Жумладан, Н.Ф.Лебедев ҳам русийзабон ҳалқларнинг истеъдодли турколог олимларидан бири ҳисобланади. У ўзининг қисқа лекин мазмунли ҳаёти давомида улкан ижодий ишларни амалга оширишга эришди.

Ҳазрат Навоий бош вазир бўлиб турган пайтларида Қуръони каримга хизмат қилиш борасида катта эътибор берганлар. У кишининг бевосита ташаббуси билан форс тилида иккита тафсир ёзилган. Шулардан бирини Ҳусайн воиз Кошифий ёзган. Шунингдек, «Дорул ҳуффоз» деб номланган қориҳона ҳам қурдирган. Қориҳонага ўзларининг бир тўртлигини илдириб қўйган эканлар.

*Бу даврда йўқ сен кеби хушихон ҳофиз,  
Хуффоз аро сарҳалқайи даврон ҳофиз.  
Куръонга сен ўлган кеби яксон ҳофиз,  
Бўлсун санга барча ишда Куръон ҳофиз.*

Навоийнинг тасаввуфи бу – ислом тасаввуфи. Бу бошқа бир динлардан таъсирланиб шаклланган эмас, тўла-тўқис Қуръон ва ҳадис ҳамда тасаввуф уламоларининг фикрларидан хуласаланган тасаввуф. Шулардан сизиб чиққан ўз фалсафий қарашларини назмда ва насрда баён қилганлар.

Шунинг учун ҳеч иккиланмай айтишимиз мумкинки, Навоий ижоди Қуръон ва ҳадисдаги фалсафий қарашлар, тасаввуфий ёндашувларнинг назмдаги инъикоси, Навоий тилидаги жарангни. Ислом фалсафаси, ислом эътиқоди умуминсоний тушунчалар билан жуда кўп жиҳатдан ҳамоҳанг, шунинг учун ҳам Навоий дунё миқёсидаги мутафаккир ва айни вақтда ислом фалсафасини тараннум этган мутафаккир.

## REFERENCES

1. И.А.Каримов. Навоий шаҳрида А.Навоий ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишлиланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи. Ўзбек адабиёти ва санъати, 2001, 25 август.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги 19.10.2020 йилдаги ПҚ-4865-сон Қарори, (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.10.2020 й., 07/20/4865/1395-сон)
3. Ҳ.Арасли. Буюк Озорбайжон шоири Фузулий, Баку, Озорбайжон, Ушоқ ва Гэнглэр адабиёти нашриёти, 1958, с.56
4. «Ўрта Осиё очерклари», 1868, 340-341 бетлар.
5. Али Асқар Ҳикмат нашр этган «Мажлис ун-нафоис», 28-бет.
6. Қодиров О.С. “Умумий психология” ўқув қўлланма Самарқанд – 2022. -250 б.
7. FTAI “Hayot davomida ta’lim olish: yangi paradigmalar va kutiladigan natijalar” fan, ta’lim va amaliyot integratsiyasi. Respublika konferentsiyasi **ISSN: 2181-1776** “Bilik – ilmiy faoliyat” nashri <http://bilig.academiascience.or> 25.06/2022 yil
8. А.Навоий «Мажолис ун-нафоис» Илмий танқидий матн, 11-13 бетлар.